“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги
Тошкент ахборот технологиялари
университети Урганч филиали
директори в.в.б Ў.К.Матёқубов
______________

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиали томонидан моноблок ҳарид қилиш бўйича

# ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ

Буюртмачи: Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиали

Урганч – 2022 й.

МУНДАРИЖА

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА ........ 3
ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИНИНГ ТЕХНИК ҚИСМИ ........ 23
ТАНЛОВНИНГ НАРХ ҚИСМИ ........ 25
ШАРТНОМА ЛОЙИҲАСИ ........ 26

# ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 | **Умумий қоидалар.** | 1.1 | Мазкур танлов хужжатлари Ўзбекистон Республикасининг“Давлат харидлари тўғрисида” ги қонуни (кейинги ўринларда – Қонун) талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган. |
| | | 1.2 | Танлов предмети: **Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиали** томонидан моноблок ҳарид қилиш. |
| | | 1.3 | Танловнинг бошланғич қиймати **625 000 000 *(Олти юз йигирма беш миллион) сўм .*** *Танлов таклифида кўрсатилган нархлар бошлангич қийматдан юқори бўлмаслиги талаб этилади.* |
| | | 1.4 | Товарларни ҳарид қилиш бўйича техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмида келтирилган |
| | | 1.5 | Танлов комиссияси йиғилиши шакли – сиртдан (видеоконференция орқали) ёки юзма юз учрашган ҳолда. |
| 2 | **Танлов ташкилотчиси** | 2.1 | **Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиали** (кейинги ўринларда “Буюртмачи”) ҳисобланади. “Буюртмачи” манзили: *Ўзбекистон Республикаси, Хоразм вилояти, Урганч шаҳар, Ал-Хоразмий кўчаси, 110 уй.* |
| | | 2.2 | Мурожат қилиш учун шахс: Харид бўйича бош мутахассис Юсупов Зафар Зарипбоевич телефон +99877 – 020 – 42 – 42 |
| | | 2.3 | Шартнома эгаси: **Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиали** |
| | | 2.4 | Танлов, буюртмачи ташкил қилган камида беш кишидан иборат таркибдаги комиссияси томонидан электрон тартибда ўтказилади. |
| 3 | **Танлов иштирокчилари** | 3.1 | Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар исталган юридик шахслар, шу жумладан, кичик бизнес субъектлари иштирок эшитиши мумкин (4.2 бандда келтирилган шахслар бундан мустасно) |
| 4 | **Танлов ўтказилиши тартиби** | 4.1 | Танловда иштирок этиш учун, танлов иштирокчиси қуйидагиларни амалга ошириши лозим:<br>(а) танлов шартлари билан танишиш учун махсус ахборот порталида жойлаштирилган танлов ҳужжатларининг электрон нусхасини олиши (кўчириши) лозим;<br>(б) малакага оид ҳужжатларини ва танлов |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | таклифларини, ушбу йўриқнома шартларига мувофиқ топшириши лозим.<br>Танлов бошланишидан олдин танлов комиссияси иштирокчиларнинг малакавий танловини амалга оширади. Фақат малакавий танловдан ўтган иштирокчиларга танловда иштирок этишни давом эттиришга рухсат берилади.<br>Малакавий танлов учун зарур бўлган ҳужжатлар рўйхати ушбу йўриқноманинг 1-иловасида келтирилган. Барча малакага оид ҳужжатлар бўлиши керак. |
| | | 4.2 | Қуйидаги ҳолатларда, иштирокчиларнинг танловда қатнашишига йўл қўйилмайди:<br>-белгиланган муддатгача талаб этилган ҳужжатларни тақдим этмаса;<br>қайта ташкил қилиниш, тугалланиш ёки банкротлик босқичини бошидан кечираётган;<br>"Буюртмачи" билан судда ёки ҳакамлик судида тортишаётган;<br>Инсофсиз ижрочиларнинг ягона рўйхатига киритилган;<br>-солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорлиги мавжуд бўлган;<br>-имтиёзли солиқ режимини берувчи ва/ёки молиявий амалиётларни ўтказишда маълумотларни ошкор қилиш ва беришни кўзда-<br>- тутмайдиган давлатлар ёки худудларда (оффшор зоналарда) рўйхатдан ўтган ва банк ҳисоб рақамларига эга бўлган. |
| | | 4.3 | Буюртмачи қуйидаги ҳолатларда иштирокчини танлов жараёнидан четлатади:<br>- Иштирокчи тўғридан-тўғри ёки воситали тарзда буюртмачининг ёки бошқа давлат органининг ҳозирги мансабдор шахсига ёки собиқ ходимига давлат ҳаридлари жараёнида бирон-бир ҳаракатни амалга ошириш, қарор қабул қилиш ёки бирон-бир танлов таомилини қўллашга таъсир кўрсатиш мақсадида ҳар қандай шаклдаги мукофот, ишга олишни ёки ҳар қандай қимматбаҳо буюм ёки кўрсатишни таклиф қилган, берган ёки бунга рози бўлган тақдирда;<br>- иштирокчи адолатсиз танлов устунлигига эга бўлса ёки қонунга зид бўлган манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлса. |
| 5 | **Танлов тили** | 5.1 | Танлов таклифи, иштирокчи ва буюртмачи томонидан амалга ошириладиган у билан боғлиқ бўлган барча ёзишмалар, ҳужжатлар ўзбек ёки рус тилида бўлиши керак. |
| 6 | **Танлов таклифи ва уни расмийлаштириш** | 6.1 | Иштирокчи фақат битта ҳужжатлар тўпламини электрон вариантда тақдим этиш талаб этилади. |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | **тартиби** | | Тўплам, барча кўрсатилган талабларга мос келиши лозим (техник ва нарх қисм). |
| | | 6.2 | Танлов иштирокчиларига электрон таклифларни шахс имзоси билан тасдиқланган ҳолда тақдим этиш тавсия қилинади. |
| | | 6.3 | Иштирокчининг танлов таклифи электрон кўринишда **etendr.uzex.uz** электрон порталнинг талаблар бўлимига юкланади. |
| | | 6.4 | Танлов иштирокчиси:<br>тақдим қилинаётган маълумотлар ва хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва ишончлилиги учун маъсул ҳисобланади;<br>тақдим қилинган таклифини, таклифларни бериш муддати тугагунга қадар қайтариб олиши ёки унга ўзгартириш киритишга ҳақли. |
| | | 6.5 | Танлов таклифи қуйидаги қисмлардан иборат бўлади:<br>а) Техник қисм буюртмачининг техник талабларига жавоб бериши ва таклиф этилаётган товарларнинг батафсил тавсифини ўз ичига олиши керак;<br>б) Нарх қисмига оид тижорат таклифи танлов шартларига мос келиши ва қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак: товар номи, товар нархи, умумий қиймати, етказиб бериш шартлари, тўлов шартлари, таклифнинг амал қилиш муддати ва ҳоказо. |
| | | 6.6 | Танлов таклифи қуйидаги кўринишда расмийлаштирилади: |
| | | 6.7 | • Махсус порталдан олинган лот рақами<br>• Танлов предметининг номланиши;<br>• Иштирокчининг номланиши;<br>• Буюртмачининг номланиши ва унинг манзили;<br>• Малакага оид танлов ҳужжатларини ўз ичига олган маълумот;<br>• Техник таклифини ўз ичига олган маълумот;<br>Нархга оид тижорат таклифни ўз ичига олган маълумот. |
| | | 6.8 | Нарх қисмига оид тижорат таклифида танлов предметларининг ҳар бирига алоҳида нарх таклифи бўлиши шарт. |
| | | 6.9 | Танлов таклифлари буюртмачи томонидан танлов эълонга берилган кундан талифларни қабул қилиш якунланадиган кун ва вақтгача биржада кўрсатилган электрон манзилга жўнатилади: |
| | | 6.10 | Танлов таклифларининг амал қилиш муддати танлов таклифлари тақдим этилган кундан бошлаб камида 60 календар куни бўлиши керак. |
| 7 | **Тақдим қилинган танлов таклифлари муддатини узайтириш** | 7.1 | Танлов комиссияси танловнинг барча иштирокчиларига тегишли бўлган ёпилиш санасини (танлов таклифларни тақдим этиш |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | муддатини узайтириши) кейинга қолдириш тўғрисида қарор қабул қилишиш мумкин. Танловни узайтириш муддати 15 кундан ошмаслиги керак. |
| | | 7.2 | Танлов таклифларини тақдим қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги эълон махсус ахборот порталда жойлаштирилади. |
| 8 | **Танлов ҳужжатларига ўзгартириш киритиш** | 8.1 | Зарур ҳолларда буюртмачи танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.<br>Буюртмачи танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифларни бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли.<br>Танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш давомида товарни (иш ва хизматларни) ёки унинг хусусиятларини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.<br>Танлов таклифларни тақдим этиш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак.<br>Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади. |
| 9 | **Танлов таклифларини баҳолаш мезонлари** | 9.1 | Электрон портал орқали юборилган танлов таклифларини кўриш тартиби бир босқичда ўтказилади. Таклифларнинг техник қисми ва нархга оид тижорат қисмлари кўриб чикилади.<br>Таклифларнинг кўриб чикилиш вақти уларни тақдим этиш муддат тугаганидан сўнг кўп ўтмай тайинланиши лозим. Эълонда танлов ўтказиладиган вақт сифатида кўрсатилган вақт, танлов комиссияси томонидан, танлов таклифларини баҳолаш учун танлов иштирокчилари томонидан тақдим этилган таклифлар билан кўриб чикилиш муддатига тенглаштирилади. |
| | | 9.2 | Таклифларни кўриб чикилишида ҳужжатларнинг мавжудлиги ва тўғри расмийлаштирилганлиги текширилади. Тегишли ҳужжатлар мавжуд бўлмаган ҳолатда, танлов комиссияси ушбу таклифни кўриб чиқиш ва баҳолашга қўймасликка ҳақли. |
| | | 9.3 | Танлов комиссияси ғолибни аниқлаш учун рад этилмаган таклифларни танлов ҳужжатларида қайд этилган мезонлар асосида баҳолашни амалга оширади. |
| | | 9.4 | Танлов иштирокчиси томонидан тақдим этилган ҳужжатлардаги ахборот ишончсиз эканлиги аниқланган тақдирда, танлов комиссияси бундай иштирокчини ҳарид қилиш тартиб-таомилининг исталган босқичида танловда иштирок этишдан |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | четлатишга ҳақли. |
| | | 9.5 | Танлов таклифларини баҳолаш ва танлов ғолибини аниқлаш танлов ҳужжатларида белгиланган меъзонлар асосида амалга оширилади. (2 Илова) |
| | | 9.6 | Танлов таклифи, Қонун, қарор ва танлов ҳужжатлари талабларига жавоб берса, тегишли тарзда расмийлаштирилган, деб топилади. |
| | | 9.7 | Агар таклифни киритган танлов иштирокчиси Қонун ва қарорларда белгиланган талабларига мос келмаса ёхуд танлов иштирокчисининг таклифи танлов ҳужжатлари талабларига мос келмаса, танлов комиссияси таклифни рад этади. |
| | | 9.8 | Танлов таклифларини баҳолаш пайтида танлов комиссияси танлов иштирокчиларидан таклифлари бўйича тушунтиришлар сўрашга ҳақли. Мазкур жараён расмий равишда ёзма шаклда танлов ташкилотчиси орқали белгиланган тартибда олиб борилади. Тушунтириш жараёнида таклифнинг моҳияти, шунингдек нархи юзасидан бирон-бир ўзгартиришларга йўл қўйилмайди. |
| | | 9.9 | Танлов ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажаришнинг энг яхши шартларини таклиф қилган танлов иштирокчиси ғолиб деб топилади. |
| | | 9.10 | Арифметик ёки бошқа хатолар мавжуд бўлган тақдирда, танлов коммисияси, бу хақда танлов иштирокчисини хабардор қилган ҳолда, танлов таклифини рад этишга ёки уларни келгусида кўриб чиқиш бўйича бошқа шартларни белгилаши мумкин. |
| | | 9.11 | Таклифларни кўриб чиқиш ҳамда баҳолаш натижалари таклифларни кўриб чиқиш баённомасида қайд этилади. |
| | | 9.12 | Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси танлов комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади. |
| | | 9.13 | Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Буюртмачи бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт. |
| **10** | **Томонлар маъсулияти ва махфийликка риоя қилиш.** | 10.1 | Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган жавобгарлик қуйидагиларга юклатилади:<br>Комиссия раиси ва аъзолари, шунингдек танлов таклифларини ўрганиш учун ташкил қилинган ишчи гурух аъзолари маълумотларни ошкор қилиш, иштирокчилар, комиссиянинг бошқа |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | аъзолари ва жалб қилинган экспертлар билан тил бириктиришга йўл қўйиш, шунингдек бошқа ноқонуний хатти-харакатлар учун. |
| | | | Шартнома бўйича мажбуриятларни (миқдор, сифат ва техник кўрсаткичлар бўйича) бажармаган танлов ғолиби, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ва/ёки тузилган шартномада кўзда тутилган тарзда жавобгар ҳисобланади. |
| 11 | **Бошқа шартлар** | 11.1 | Агар танловда илгари Ўзбекистон Республикасига етказиб берилмаган товар, иш ёки хизматларни таклиф этилса, танлов комиссияси танлов иштирокчисидан ушбу товар, иш ёки хизматлар бўйича учинчи шахслардан маълумот (отзыв) сўрашга ҳақли. |
| | | 11.2 | Танловда иштирок этиш истагини билдирган иштирокчилар, танлов ҳақида тушунтиришлар олиш учун танлов ташкилотчисига мурожаат қилишга ҳақли. |
| | | 11.3 | Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатларидаги талабларни, танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан буюртмачига сўров юборишга ҳақли. Буюртмачи сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида, агар мазкур сўров буюртмачига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб бериши шарт. Танлов ҳужжатлари қоидалари бўйича тушунтиришлар унинг мазмунига зид бўлмаслиги керак. |
| | | 11.4 | Агар таклифлар бериш муддати тугаган пайтда танлов комиссияси томонидан танлов иштирокчиларидан танлов ҳужжатларида кўрсатилган талабларга мос келадиган камида иккита таклиф олинган бўлса, танлов ўтказилган деб топилади. |
| | | | Қуйидаги холатларда танлов комиссияси танловни ўтказилмаган деб эълон қилиши мумкин: |
| | | | Танловда битта иштирокчи иштирок этган ёки хеч ким иштирок этмаган бўлса; |
| | | | Таклифларни кўриб чиқиш натижалари бўйича танлов комиссияси барча таклифларни танлов ҳужжатлари талабларига мос эмаслиги туфайли рад этган тақдирда. |
| | | 11.5 | Буюртмачи ғолиб бўлган таклиф акцептига қадар исталган вақтда танловни бекор қилиш ҳуқуқига га. Танлов бекор қилинган тақдирда буюртмачи порталда мазкур қарорининг асослантирилган сабабларини эълон қилади. |
| 12 | **Шартнома тузиш** | 12.1 | Танлов натижалари бўйича шартнома танлов |

**1 Илова**

## Малакага оид ҳужжатлар рўйхати

1. Танлов комиссияси раиси номига танловда иштирок этиш учун ариза (1 шакл);

   Танлов қанташувчисининг мухри билан тасдиқланган давлат руйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувохноманинг нусхаси.

2. Иштирокчининг ташкил этилиши, тугатилиши ёки банкрот булиши, мижоз билан суд ёки хакамлик мухокамаси холатида бўлмаганлиги, шунингдек илгари тузилган шартномалар буйича нотўғри бажарилган мажбуриятларнинг йуқлиги тўғрисидаги кафолат хати (2 шакл); Кафолат хати (ушбу талаб буйича кафолат хатини такдим килмаган иштирокчилар танловдан четлаштирилади)

3. Танлов иштирокчиси хакида умумий маълумот (3 шакл).

   Маълумотнома намунаси илова қилинади

4. Сўралаётган ёки шунга ўхшаш товарларни етказиб бериш тажрибаси ҳақида маълумот (4 шакл). Танлов иштирокчисининг шу соҳада иш тажрибага эга бўлиши.

   Ўтган даврдаги шартномалар ва уларнинг счёт-фактуралар нусхалари

5. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорлиги мавжуд бўлмаганлиги тўғрисидаги маълумот;

   Солиқ маълумотномаси (ушбу маълумотнома танлов эълон килинган кундан кейин олиниши шарт) (бюджетга тўловлар ва бошка карздорликлари бўлган ёки солик маълумотномани тақдим қилмаган иштирокчилар танловдан четлаштирилади)

6. Шартномани бажариш учун зарур товарлар мавжудлиги бўйича маълумот.

   Товарлар мавжудлиги бўйича маълумотнома

7. Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганли бўйича маълумот.

   Кафолат хати (ушбу кафолат хатини тақдим килмаган ёки инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида мавжуд бўлган иштирокчилар танловдан четлаштирилади)

8. Товар ишлаб чиқарувчиси (ишлаб чиқарувчи) томонидан иштирокчига берилган ишончноманинг ёки партнерлик (авторизация) хақидаги хатни нусхаси (5 шакл).

   Ишлаб чикарувчининг ваколатли сервис маркази номидан товарларни кафолат муддати давомида республика миқиёсида сервис хизматини курсатиши хакида хат.

   Маълумотнома (диллерлик хати нусхаси ёки бошка хужжатлар нусхалари)

9. Давлат стандартлаштириш агантлиги томонидан берилган мувофиқлик сертификати ва божхона деклорацияси нусхалари.

   Декларация (Божхона хужжатлари)

*1 шакл*

*ИШТИРОКЧИНИНГ РАСМИЙ БЛАНКАСИДА*

*Сана:*____________*Хат рақами:*______________

**Танлов комиссиясига**

**АРИЗА**

Ўзбекистон Республикаси ______________техник таъминотини яхшилаш мақсадида компьютер курилмаларини ҳарид қилиш бўйича Лот рақами ___билан эълон қилинган давлат ҳаридлари тўғрисидаги барча танлов ҳужжатларини батафсил ўрганган ҳолда, *(танлов иштирокчисининг номи)* мазкур танловда иштирок этишини маълум қилади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, қуйидаги ҳужжатларни илова қилмоқдамиз:

1. Малакага оид ҳужжатлар ___ варақда.
2. Танлов таклифининг техник қисми;
3. Танлов таклифининг нархга оит тижорат қисми;
4. Бошқа ҳужжатлар *(мавжуд бўлса номи ва варақлар сони кўрсатилади).*

Танлов ҳужжатларини тайёрлаган масъул шахснинг Ф.И.Ш.и.

Телефон/факс рақами: ____________________________________________

Электрон почта манзили: ______________________________

Ташкилот (корхона) раҳбари ёки ваколатли шахс Ф.И.Ш.и ва имзоси

Муҳр ўрни.

*2 шакл*

*ИШТИРОКЧИНИНГ РАСМИЙ БЛАНКАСИДА*

*Сана:____________Хат рақами:______________*

***Танлов  комиссияси***

**КАФОЛАТ  ХАТИ**

Мазкур хат билан (корхона/ташкилот номи) қуйидагиларни:

- Қайта ташкил қилиниш, тугалланиш ёки банкротлик босқичида эмаслигини;
- Кадастр агентлиги билан судда ёки хакамлик мухокамаси холатида эмаслигини;
- Илгари тузилган шартномалар бўйича нотўғри бажарилган мажбуриятлар мавжуд эмаслигини;
- Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлигини;
- Оффшор худудларда рўйхатдан ўтмаганлигини;
- Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорлиги мавжуд эмаслигини маълум қилади.

Имзолар:

Раҳбар _______________ Ф.И.Ш.

Бош ҳисобчи (молия бўлими бошлиғи) ______________ Ф.И.Ш.

Юрист ____________________ Ф.И.Ш.

Муҳр ўрни

*3 шакл*

**Танлов иштирокчиси тўғрисида умумий маълумот**

| | | |
|---|---|---|
| **1** | Юридик шахснинг ташкилий ҳуқуқий шакли кўрсатилган ҳолда тўлиқ номланиши | |
| **2** | Рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида маълумот (рўйхатга олиш санаси, рўйхатга олиш рақами, рўйхатга олган орган номи) | |
| **3** | Юридик манзили | |
| **4** | Телефон/факс рақами, e-mail | |
| **5** | Тўлиқ банк реквизитлари | |
| **6** | Асосий фаолият йўналиши | |

Ташкилот (корхона) раҳбари ёки ваколатли шахс имзоси________________ Ф.И.Ш.

**М.Ў.**

Сана: «___»__________________2022й.

*4 шакл*

**Сўралаётган ёки шунга ўхшаш товарларни етказиб бериш тажрибаси ҳақида маълумот. (камида 3 йиллик тажриба бўлиши керак)**

| № | Етказиб берилган товар (ишлар) номлари | Буюрмачи ташкилот номи, манзили, алоқа рақамлари | Етказиб бериш санаси | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |

Ташкилот (корхона) раҳбари ёки ваколатли шахс имзоси________________ Ф.И.Ш.

**М.Ў.**

Сана: «___» __________________2022й.

*5 шакл*

*НА ФИРМЕННОМ БЛАНКЕ ПРОИЗВОДИТЕЛЯ*

ДОВЕРЕННОСТЬ или Авторизация от производителя

*№:* __________

*Дата:* ________

**Конкурсной комиссии**

Настоящая доверенность выдана ____________________________________________,
*(наименование и адрес организации-участника торгов)*

Который (ая) участвует в конкурсе на поставку _________________ (наименование товара)

______________________________________________________________________
*(наименование производителя)*

являясь официальным изготовителем ______________________________________,
*(наименование товара)*

имеющий завод (ы) по адресу ____________________________________________
*(вписать полный адрес завода изготовителя)*

Настоящимдоверяет ______________________________________________________
*(наименование участника)*

подать конкурсное предложение.

Данной доверенностью предоставляются полномочия на проведение переговоров, а также на представление и поставку производимого нами _________________________
______________________________________________________________________.
*(наименование товара)*

В случае признания победителем конкурсных торгов ___________________________,
*(наименование участника)*

завод-изготовитель обязуется:

-изготовить товар в соответствии с требованиями нормативно-технической документации (в соответствии с международными стандартами);

-при поставке товара предоставить сертификаты качества и сертификаты соответствия;

- при поставке товара предоставить инструкции по обслуживанию и ремонту, схемы и другие документы для принимающей стороны.

Ф.И.О. и подпись руководителя или уполномоченного лица производителя

Место печати

**_6 шакл_**

*ИШТИРОКЧИНИНГ РАСМИЙ БЛАНКАСИДА*

**(Товар номини кўрсатинг) етказиб бериш бўйича/учун**
**ТЕХНИК ТАКЛИФИ**

Сана: ____________ Хат рақами: ____________

**Танлов комиссиясига**

*Ташкилот номи ....* техник таъминотини яхшилаш мақсадида компьютер курилмаларини ҳарид қилиш бўйича Лот рақами ___ *(лот рақамини киритинг)* билан эълон қилинган давлат ҳаридлари тўгрисидаги барча танлов ҳужжатларини *(қўшимча сўровлар асосида ёзишмалар амалга оширилганда бундай ёзишмалар ҳам кўрсатилиши лозим)* батафсил ўрганган ҳолда, биз қуйида имзо чекувчилар *(иштирокчининг тўлиқ номини кўрсатинг)*, етказиб бериш бўйича ________________ *(ишлаб чиқарувчини кўрсатинг)* томонидан ишлаб чиқарилган ___________________*(товар номи, маркаси ва моделини кўрсатинг)*______ *(товар сони ва миқдорини кўрсатинг)* товарларни таклиф этамиз.

- тўлов шартлари -___________________________;
- етказиб бериш муддати – 15 иш куни;
- етказиб бериш шартлари - ______________________;

Бизнинг таклиф танлов ғолиби деб топилган тақдирда, бизнинг корхона/ташкилот билан тузилган шартнома бўйича, ушбу техник таклифга тўлиқ мувофиқ ҳолда товарларни етказиб бериш мажбуриятини қабул қиламиз.

Биз таклифлар қабул қилинишининг охирги муддати сифатида белгиланган кундан бошлаб 60 кун давомида ушбу таклиф қоидаларига риоя қилишга розилик билдирамиз. Ушбу таклиф биз учун мажбурий бўлиб қолади ва белгиланган муддат тугашидан олдин исталган вақтда қабул қилиниши мумкин.

Танлов комиссияси энг паст нарх таклифини қабул қилишга мажбур эмаслигини, барча мезон ва кўрсаткичлар бўйича энг яхши таклифни қабул қилишини тушунамиз.

Илова:
- Таклиф этилаётган товарларнинг техник характеристикалар жадвали___ варақда;
- Товар ишлаб чиқарувчиси (ишлаб чиқарувчи) томонидан берилган ишончноманинг асл нусхаси (5 шакл) ёки агар иштирокчи таклиф этилаётган товарни ишлаб чиқарувчиси бўлмаса, дилерлик шартномасининг нусхаси;
- Техник ҳужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар, операцион кўрсатмалар ва бошқалар ёки таклиф этилаётган товарнинг тўлиқ ва батафсил тавсифини ўз ичига олган бошқа ҳужжатлар;

*Тақдим этилаётган ҳужжатлар рақамланган,ваколатли шахс имзоси қўйилган ва танлов иштирокчиси муҳри билан тасдиқланган бўлиши, ҳужжатлар ўзбек (ёки рус) тилида тақдим этилиши шарт.*

__________________ (ваколатли шахс имзоси)
__________________________________ (ваколатли шахс лавозими ва Ф.И.Ш.)

М.Ў.

**Таклиф этилаётган товарларнинг техник характеристикалари жадвали**

| № | Параметрлар номи | Техник топшириқ талабларига мувофиқ кўрсаткичлар | Танлов иштирокчисининг таклифига мувофиқ кўрсаткичлар | Изоҳ (талабга жавоб беради/талабга жавоб бермайди) |
|---|---|---|---|---|
| 1 | | | | |
| 2 | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |

Ташкилот раҳбарининг ёки ваколатли шахс Ф.И.Ши ва имзоси

М.Ў

**Иштирокчиларни малакавий ва танлов таклифларини баҳолаш мезонлари**

*Малакавий баҳолаш мезонлари*

| № | Мезонлар | Баҳо | Изоҳ |
|---|---|---|---|
| 1 | Танлов комиссияси раиси номига танловда иштирок этиш учун ариза | Мавжуд / мавжуд эмас | Агар тақдим этилмаган бўлса,танлов комиссияси иштирокчини танловдан четлатишга хақли. |
| 2 | Танлов қанташувчисининг мухри билан тасдиқланган давлат руйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувохноманинг нусхаси. | Мавжуд / мавжуд эмас | Агар тақдим этилмаган бўлса,танлов комиссияси иштирокчини танловдан четлатишга хақли. |
| 3 | Иштирокчининг ташкил этилиши, тугатилиши ёки банкрот булиши, мижоз билан суд ёки хакамлик мухокамаси холатида бўлмаганлиги | Мавжуд / мавжуд эмас | Агар тақдим этилмаган бўлса,танлов комиссияси иштирокчини танловдан четлатишга хақли. |
| 4 | Танлов иштирокчиси хакида умумий маълумот | Мавжуд / мавжуд эмас | Агар тақдим этилмаган бўлса,танлов комиссияси иштирокчини танловдан четлатишга хақли. |
| 5 | Сўралаётган ёки шунга ўхшаш товарларни етказиб бериш тажрибаси ҳақида маълумот | Мавжуд / мавжуд эмас (*иштирокчининг кафолат хати асосида баҳоланади)* | Агар мавжуд бўлса, иштирокчи танловдан четлатилади. |
| 6 | Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорлиги мавжуд бўлмаганлиги тўғрисидаги маълумот | Ха / Йўқ | Оффшор зоналарда рўйхатдан ўтган танлов иштирокчиси, шунингдек иштирокчилар ва банклар танловда иштирок этишга йўл қўйилмайди |
| 7 | Шартномани бажариш учун зарур товарлар ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги бўйича маълумот | Ха / Йўқ | Агар Ха бўлса, иштирокчи танловдан четлатилади |
| 8 | Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганли бўйича маълумот | Ха / Йўқ | Агар Йук бўлса, иштирокчи танловдан четлатилади |
| 9 | Ишлаб чикарувчи авторизация хат ива сервис марказ хатли | Ха / Йўқ | |
| 10 | Давлат стандартлаштириш агантлиги томонидан берилган мувофиқлик сертификати ва божхона деклорацияси нусхалари | Ха / Йўқ | |

# ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИНИНГ ТЕХНИК ҚИСМИ

*ТЕХНИК ТАЛАБЛАР:*

*ТЕХНИЧЕСКОЕ ЗАДАНИЕ:*

** Махсулот тавсифи рус тилида келтирилган.*

| № | Наименование | Ед. изм. | Количество и требования, предъявляемые заказчиком |
|---|---|---|---|
| 1. | **Моноблоки** 27 AiO / Экран - Full HD IPS (1920 x 1080), диагональ 27"), тонкие рамки с трех сторон, антибликовое покрытие, 300 нит/ Процессор (до 3,9 ГГц Turbo Boost, 12 Мбайт кэш-памяти L3, 6 ядер)/ Чипсет - H470/ Графика - UHD Graphics 750/ Беспроводное зарядное устройство для смартфона/ Память - 16 Гбайт (2x8 Гбайт) DDR4-3200 SDRAM/ SSD 512Gb NVMe/ Порты 1 разъем SuperSpeed USB Type-C® со скоростью 5 Гбит/с (USB Power Delivery, DisplayPort™ 1.4), 3 разъема SuperSpeed USB Type-A, 1 входной/выходной HDMI 1.4, разъем для наушников и микрофона, 1 разъем RJ-45, Картридер "3 в 1"/ Веб-камера Камера 5 Мп с 4х цифровым микрофоном/ Аудиосистема , два динамика 5 Вт/ Сетевой интерфейс 10/100/1000 GbE/ Беспроводная связь - Realtek 802.11a/b/g/n/ac (2x2) Wi-Fi® и Bluetooth® 5 3,10/ Цвет продукта - Белоснежно-белый/ Операционная система- Windows 11 64b Lic. Office 2019 Lic | штук | **50** |

Раҳбар ёки ваколатли шахснинг Ф.И.Ш. и ва имзоси

М.Ў.

# ТАНЛОВНИНГ НАРХ ҚИСМИ

| | | |
|---|---|---|
| 1 | Охирги қиймат | |
| 2 | Молиявий маблағ манбаи | Ўз маблағлари |
| 3 | Тўлов шартлари | **1-чи тўлов (Аванс):** Шартнома имзолангандан сўнг, ушбу шартнома умумий қийматининг 30%и олдиндан тўлаш шаклида 15 иш куни ичида "Бажарувчи" ҳисоб рақамига ўтказиб берилади.<br>**Якуний тўлов:** Шартнома суммасининг қолган 70% қисми "Буюртмачи"га мақбул бўладиган ишларни бажариш далолатномаси ҳисоб-фактура ўрнатилган тартибда имзолангандан сўнг, 10 иш куни ичида "Бажарувчи" ҳисоб рақамига ўтказиб берилади. |
| 4 | Тўлов валютаси | • Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси (сўм) |
| 5 | Етказиб бериш шартлари | **Маҳаллий етказиб берувчилар учун шартлар –** Буюртмачининг манзилигача: *Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш.*<br>Товарлар 5 кун ичида етказиб берилиши шарт |
| 6 | Етказиб бериш муддати | Аванс тўлови амалга оширилган санадан, энг кўпи билан 15 иш куни; |
| 7 | Танлов таклифининг амал қилиш муддати | 60 календар куни |

**КЕЛИШИЛДИ**

| | |
|---|---|
| Харид комиссияси раиси: | Ў.Матёқубов |
| Харид комиссияси аъзолари: | А.Атаниязов |
| | М. Рўзметов |
| | М.Душамов |
| | Б.Эшчанов |
| | З. Мадрахимов |
| | З. Юсупов |
| Котиб: | С. Қўшназарова |